

“Mamlakatni qudratli, millatni buyuk qiladigan kuch ham bu — ilm-fan, ta’lim va tarbiyadir. Ertangi kunimiz, Vatanimizning yorug‘ istiqboli, birinchi navbatda, ta’lim tizimi va farzandlarimizga berayotgan tarbiyamiz bilan chambarchas bog‘liq”.
Shavkat MIRZIYOYEV

“IJTIMOIY BILIMLAR VA TEXNIK-MUHANDISLIK TURK DUNYOSI” MAVZUSIDAGI XALQARO SIMPOZIUM

TOSHKENT, 2025-YIL 5-6-MAY

**RENESSANS TA’LIM
UNIVERSITETI**



Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar
vazirligining 27.12.2024/490-son
buyrug‘i

www.conference.renessans-edu.uz

www.renessans-edu.uz

WORLD OF KNOWLEDGE

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
“IJTIMOIY BILIMLAR VA TEXNIK-
MUHANDISLIK TURK DUNYOSI” XALQARO
SIMPOZIUMI**

MATERIALLARI TO‘PLAMI

Toshkent 5-6 may, 2025

I KITOB

3. Сенюшкина Т. А. Евразийская идентичность как фактор политического диалога // Национальная безопасность и стратегическое планирование. – 2018. – Т. 1(22), № 2–2. – С. 89–93.
4. Логинов А.В. Россия и Евразия. Евразийский вектор: поиски российской цивилизационной идентичности в XX столетии. М. : Большая Российская Энциклопедия, 2013. 551 с.
5. Россия: Опыт национально-государственной идеологии / В.В.Ильин, А.С.Панарин, А.В.Рябов; под ред. В.В.Ильина. М.: Изд-во МГУ, 1994. 231 с.
6. Васильев А.А. Сорокин В.В. Ценности и практики славяно-тюркского единства народов России и стран Центральной Азии // Российско-азиатский правовой журнал. 2022. №4. С. 40-45.

ЭРКИН МАЛИК ҚИССАЛАРИДА ЕТИМЛИК МОТИВИ ИФОДАСИ
THE EXPRESSION OF ORPHANITY IN THE
ERKIN MALIK'S STORIES

*ЖАМИЛОВА Башорат Сатторовна,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори,
flowergamilova@gmail.com
Бобохонова Феруза Муҳиддиновна
БухДУ ўқитувчиси.*

Аннотация

Мақолада жаҳон ва қардош халқлар ҳамда ўзбек болалар адабиётида, жумладан, Э.Малик қиссаларида етимлик мотиви, болалар уйида вояга етган ўсмир ёшидаги йигит-қизларнинг руҳий кечинмалари, изтироблари ва фожеий қисматларининг бадиий ифодаси ҳақида фикр юритилган.

***Kalit so'zlar:** мотив, психологик, автобиографик, композиция, эпистоляр, интернат, эксплуатация, бадиий деталь.*

Annotation

The article discusses the motif of orphanhood in world and fraternal peoples' and Uzbek children's literature, including the stories of E. Malik, and the artistic expression of the spiritual experiences, sufferings, and tragic fates of adolescent boys and girls growing up in an orphanage.

Keywords: *motive, psychological, autobiographical, composition, epistolary, boarding, exploitation, artistic detail.*

Дунё адабиётида Чарльз Диккенсинг “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” асарида етим болалар психологияси теран акс этганини кўриш мумкин [Dikens Ch., 2016, 18]. XIX асрда Лондонда камбағаллик авж олиб, паст табақа вакиллари юқори табақа вакиллари томонидан эксплуатация қилинар экан, кичик ўғри болалар гуруҳлари кировурлик қилиб, ўз хўжайинларига ўғрилиқ орқасидан топган буюмларини келтириб бериши, Жаноб Бамблга ўхшаганлар ёш болалар меҳнати эвазига бойлик ортиргани, жумладан, ота-онасиз қолган Оливерни ўз манфаати йўлида ишлатиб, хўрлашларига чидаб яшашга мажбур қилингани тасвирга олинган. Ёзувчи ўз вақтида адабиётда қаламга олинмаган меҳнат уйи болаларининг қисматини биринчилар қаторида бадий акс эттиргани учун кейинчалик катта шуҳрат қозонди.

Шу тариқа, жаҳон ва барча халқлар адабиётида жамият эътиборидан четда қолаётган етим ва қаровсиз болалар, ўсмирлар руҳиятини тасвирлаш етакчи ўрин эгаллагани бу йўналишдаги асарлар яратилишига тўртки бўлган. Самимий меҳр-муҳаббатдан, ота-она, яқинлари ғамхўрлигидан маҳрум болаларнинг ўсмир ёшида пайдо бўладиган агрессив хулқ кўринишларининг ортиб бориши сабаби шу каби асарларда бадий тарзда очиб берилган.

Ўзбек болалар адабиётида Т. Маликнинг “Алвидо болалик” қиссасида ёш ўсмирларнинг аянчли тақдири баён этилади [Malik Tohir, 2009, 186]. Қамариддин – болалар уйида ота-она меҳрини билмай улғайди. У нотаниш одамлар келиб, болаларнинг олиб кетишларини билгач, қандайдир бир умид билан кимнингдир келишини, бошидан силашини, маҳкам қучоқлаб ўпишини интиқ кутарди. Етимхонадаги болалар ота-оналарининг келишларини кутиб яшардилар. Ота-онасиз ўсаётган болаларнинг юракларида ота-оналарига нисбатан нафрат уйғотади. Асардаги **Қамариддин** тимсоли бунга мисол бўла олади. Орадан ўн йил ўтиб, онаси уни олиб кетиш учун келганида, Қамариддин унга ҳатто яқинлашишни

хоҳламайди. Бувиси Қамариддинни кўришга келганида унга: “Буви айтинг онамга кўринмасин, ўлдираман”, деб айтади.

“Интернат муассасалари тарбияланувчиларининг, – деб ёзади Д.Исломова, – айниқса, чақалоқлигидан ота-она қарамоғисиз қолган ва меҳрибонлик уйларида тарбияланган болаларнинг жисмоний ва психик, ижтимоий кўнгилсиз ҳолатлари ижтимоий етимликнинг асосий фожиали оқибатларидан бири ҳисобланади” [Исломова Д.,2021, 81].

Бошқирд ёзувчиси Айгиз Боймухамедовнинг “Мени ёлғиз қолдирма, онажон!” (“Не оставляй меня, мама!”) ва “Эртаксиз ҳаёт” (ёки “Эртак тингламаган болалар” – “Жизнь без сказки”) қиссалари бугун кўпгина тилларга таржима қилинмоқда [Баймухаметов А, 2019. 189]. Автобиографик характердаги бу қиссаларда меҳрибонлик уйлари, болалар руҳияти реалистик акс этгани билан эътиборни тортмоқда.

Бу қиссаларнинг бош қаҳрамони ота-онасидан бевақт ажралиб, опаси билан болалар уйига келиб қолган Илёс образи орқали энг керакли бўлган меҳр, яқинларининг ҳамдардлиги етишмаслиги, аксинча, тарбиячиларининг қаттиққўллиги, жаҳлдор ва кўрслиги учун кўп, аёвсиз жазоланиши, масалан, қорда оёқяланг юргизиш ёки Фарита исмли қизчанинг деразадан улоқтирилиши ва бир ҳафта давомида қаровсиз қолдирилгани учун вафот этиши, шунингдек, болаларни муаллимлар ўз уйига олиб бориб ишлатиши, ҳайвонларига қаратиши, қорни тўйиб овқат ейишмагани каби дардли ҳикоялар тилга олинган. Бу автобиографик ҳикоялар муаллиф билан учрашув ва китоблар тақдиротида ҳам таъкидланиб, реалистик воқеалар, тилга олинган ҳаётий персонажлар мазкур асар нашридан сўнг бўшатиб юборилгани, (масалан, етимхона директори) шароит анча яхшилангани ҳам қайд этилади (2018 йил, 26 май. Қирғизистон, Ўш шаҳри).

Турк адиби Холид Эртуғрулнинг “Алданган Айселнинг тавбаси” қиссаси ҳам болалар уйида “тарбияланган” қизларнинг фожеий қисматини очиб беришга қаратилган [7]. У шу жиҳати билан Ғ.Ғуломнинг “Нетай” қиссасини ёдга солади ва айрим жиҳатлари (масалан, етим ўсган қиз

боланинг бошига тушадиган кўргиликлар, аччиқ қисмат, номусининг топталиши каби) унинг замонавий талқинидек таассурот қолдиради. Айселнинг болаликдаги аччиқ хотираларида тарбиячи аёлларнинг шафқатсизлиги, меҳрга ташна қалбларни вайронага айлантирган, уриш ва ҳақорат билан “бетларини қотирган”и, айниқса, лицейда ўқиб юрган вақтларидаёқ “оч қашқирларнинг” қаровсиз қизларга ташланиб, номусларини поймол қилишгани кабилар ўсмирлар руҳиятидаги бу каби хасталикларнинг умумжаҳон муаммосига айланганини исботлайди...

Ўзбек болалар насрида Э.Маликнинг “Хайр, етимлик”, “Булар эртак эмас”, “Онаизор”, “Етим қолган хотиралар” қисса ва ҳикояларида етимлик мотиви етакчилик қилади. Адиб қиссаларида етимлик мавзуи турлича талқинларда ифода этилаётир. “Невара” қиссасида урушга кетган жангчиларнинг бўзлаб қолган болаларини армонлари, катта бўлгач ҳам бу аламзадалиқни унутолмаган оталар ва неваралар образи гавдалантирилган эди, “Онаизор”да эса бу ҳолат етим гўдакларни бир кўз билан вояга етказган она руҳияти орқали очиб берилади. Шу маънода, қиссада етимлик фожиаси ҳаммадан кўра бола қалбига қанчалик руҳан озор етказиши эслаб ўтилади.

“Етим қолган хотиралар” қиссаси айнан кундалиқдаги битиклар шаклида ёзилган бўлиб, унда ўсмир қиз Маъсуданинг хотиралари орқали болалар уйларидаги кўнгли ўксик ўғил-қизларнинг қалб кечинмалари, оналари, оила соғинчи, жамият ҳақидаги тасаввурлари акс эттирилган. Натижада бу қисса ҳам янгича ғоявий композицион асосга эга бўлган [Сафаров О., 2011, 45].

Қиссадаги бош воқеа 5-синфни эндигина битираётган Маъсудалар оиласи бошига тушган ташвиш, аниқроғи, чет элда ишлагани кетган дадасининг бетоб бўлиб қолиши, онасининг уни бориб олиб келишга мажбурлиги туфайли қизи ва ўғлини қолдиришга ишончли киши йўқлигидан уларни вақтинча болалар уйига топширилишларидир. Кейинги лавҳаларда ўсмир қизнинг ойижонисига атаб битилган беҳисоб мактублари кундаликка жо бўлган. Етимхонада тарбияланаётган қизларнинг турли тақдирлари,

тўғрироғи, бу ерга келиб қолиш сабаблари, йигирма нафар қиздан ўн тўққиз нафарининг тирик етимлиги, уларнинг хаёл дунёлари мактубларда ўз аксини топа боради. Китобхонлар Маъсуда тимсолида ўсмирларнинг гоҳ тошқин, гоҳ маҳзун, сиру синоатга тўла дунёси билан ошно бўладилар: соғинч ҳислари қийнаган қизалоқ ойисига тинимсиз хат ёзишдан чарчамайди, у ўз орзуларини шамолга, оймомага айтиб бўшанади, хаёлан улар билан мулоқотга киришади. Мана, шамолга қандай мурожаат қилади: “Шамолжон, ҳой шамолжон, сен ҳаммадан чопқир, ҳаммадан ўзғирсан... Сен бутун дунёдаги одамларни ёқимли нафасинг билан силаб-сийпалаб ўтасан... Ялинаман, ёлвораман, шамолжон, ҳеч бўлмаса бир мартагина ойижонимнинг исларини олиб келгин, шунақанги соғиндимки, хўпми, хўп дея қолгин шамолжон!..” Ёки Оймомага илтижо қилиб шундай ўтинади: “Оймомажон, оймома, сен ҳаммадан чиройлисан-а? Ҳаммадан баландда турасан-а? Ҳув мен билмаган томонларда ойижоним билан адажонимлар бор, ўшаларни бир марта баркашингда кўрсатиб бер, жон оймома!”. Оймома Маъсуданинг назарида худди ота-онасини қидиргандек, думалаб ётоқхонаси орқасига ўтиб кетади, қизча ота-онасини оймома ўтиб кетган томонда эканлигини билса-да, унинг кетидан боролмаслиги, ётоқхонадан чиқолмаслигидан ўқинишдан ўзга илож тополмайди.

Ёзувчи кундаликда муҳрланган қалб изҳорлари-хатлар баҳонасида у ерда тарбияланаётган Ҳалима, Мадина, Солиҳа, Наргиза исмли қиз ва Одил каби ўғил болаларнинг аччиқ қисматларини тилга олади. Бу тақдир эгаларининг ҳар бири алоҳида ҳикоя бўлгулик. Шу сабабли муаллиф асосий воқеа ривожига ўша тақдирлар ҳикояларини қолипловчи ҳикоя тарзида беради. Яъни Маъсуданинг кундаликдаги ойижонисига ёзган мактубларида Дармонжон, Наргиза, Одил қисматлари жуда таъсирчан ҳикоя қилинган. “Дармонжон дунёдаги ҳамма оналарни ёмон кўриб қолган экан. Бечора, бегона одамни ота дея олмагани учун бу ерларга келиб қолган экан-да. Хўрлансаям, ўлимга рози бўлсаям барибир бегонани “ота “ демапти. Мен ҳам худди шундай қилган бўлардим...”

Маъсуданинг мактубларида Дармонжоннинг онаси мисолида ўз фарзандини эртаклардаги ўғай оналардек калламушли ертўлага қамаб, бўғиб ўлдирмоқчи бўлгани, бундай воқеалар таъсирида етимхонадаги ҳамма болалар ҳам барча оналарни ёмон кўра бошлаши таъкидланади. Ёки Наргиза исмли қиз тимсолида “етимхона касали”га йўлиққан болалар аҳволи баён қилинади. “У соғиниш касали!- уқтиради қизалоқ. Болалар оналарини ўйлаб-ўйлаб ичларидан куйиб-куйиб, охири ётиб қоладилар.” Маъсуданинг мактубида бу ҳолат ҳам жуда таъсирчан, реал акс этган. Наргиза шундай касалга мубтало бўлганда, қизларнинг бири кўйиб, бири оёқ-қўлларини укалашади, сочиқ хўллаб пешанасига босади... У ярим тунда алаҳлашдан чарчаб ухлаб қолганда ва эрталаб ўрнидан туролмаганда, ҳамма дугоналари оҳиста оёқ учида юриб нонуштага чиқиб кетишади ва чала-ярим овқатларини еб, ўз насибаларидан ўртоқларига кўтариб чиқишади. “Мен қизларимизнинг бир-бирларини шунақа аяшларини кўрганимда бирам суюниб кетаманки, ойижон,-мактубида қайд этади Маъсуда.-Бунақа меҳр-оқибат битта уйда яшайдиган ота-онанинг болаларидаям бўлмаслиги мумкин. Биз ўн тўққиз қиз кулсак-куламиз, йиғласак-йиғлаймиз. Дардимиз битта-да, дардимиз. Етиммиз!” [Malik E. 2006. 113].

Ҳа, бу дардни Ғафур Ғуломдек обдон туйган ва адабиётда бош мавзуга айлантирган адибни топиш қийин. У шоир ва носир сифатида бу мавзуга бот-бот мурожаат этганлиги бежиз эмасди. Ўтган аср бошларидаги етимлар чорасизлик қурбони эди, “Осмон баланд, ер қаттиқ”лигидан кўча-куйларда сарсон-саргардон шум етимлар қисмати адиб нолаларига сабаб бўлганди. Аммо Э.Малик қиссаларида тилга олинган етимлар-чи? Бугунги меҳрибонлик уйларидаги тирик етим болаларнинг аксарияти афсуски, йўқчиликдан эмас, ота-онасининг ношукурлиги-ю беҳаёлигидан зор қақшамоқда...

Шу боис қизалоқ мактубларида етимхонадаги опа-укалар, гарчи бир жойда бўлишса-да, хўрликлари келиши, кўзларидаги мунг, сўровлардан қочиб, пана-пасқамларга яширинишлари, унсиз йиғлашлари, оқибатда эса

бир-бирларига боғлаб турувчи меҳр ришталарининг чирт-чирт узила бориши ўзи ва укаси мисолида очиб берилиши айти ҳақиқатдир. Фақат бу эмас, айрим болалар онаси учун ҳатто бир итчалик қадри бўлмаганидан етимхонага келиб қолгани надоматларга тўла акс этган. Бинобарин, иккинчи жаҳон уруши йилларида оталаридан эрта етим қолган болалар фарёди ифодаланган адабиётларни ўқиганда ўша жароҳатли юраклар нидоларини тинглаганда, фашистларга нисбатан нафрат туйғулари вужудни ларзага солади. Аммо, бугунки кунда ўз болаларини тирик етимга айлантираётган бемехр ота-оналарни кўриб туриб, уларнинг хатти-ҳаракатлари халқ келажагини барбод этишга қаратилганлигини, бинобарин, бу ҳам аслида, авлод тарбиясига нисбатан хиёнат эканлиги англашилади.

...Етимхонага қандайдир идорадан болаларни бозор-ўчар ишларига ўргатишсин, деб пул тушади. Бу пул катта ёшдаги болаларга бўлиб берилади. Улар ўша пулга бозорга, дўконга бориб, хоҳлаган нарсаларини сотиб олишлари мумкин эди. Маъсуданинг хонасидаги қизлар ҳам етимхонадан чиқишади. Қизлар магазинга киришади, магазиндан чиқишади. Уларга нима керак эди? Ўзлари ҳам билишмасди. Бунинг ўрнига фалон-фалон нарсани сотиб олиб келинглари дейишганда, бошқа гап эди. Қизларнинг боши қотади. Шунда Маъсуда таклиф киритади: -Юринглари, дўконма-дўкон юргандан кўра бозорга борамиз, бозорда ҳамма нарса арзон бўлади, деб эшитганман... Маъсуда тушларида доим ойисини бозорда кўрарди ва уни йўқотиб қўйиб, одамлар орасидан ахтариб, югурарди... Энди ўнгида ҳам ўша бозор, тушида онаси кутиб тур, деб кетган тут дарахти... Маъсуда бозор оралаб чопар экан, кимдир уни чақиради:

– Ҳей Маъсу, Маъсумисан?

–Вой Карим, Карим... Сенмисан Карим? Катта киши бўлиб кетибсанки...Карим?

Ўқишни ташлаб деқончиликка ўтиб кетган, ҳозир бозорда тарвуз сотиб ўтирган синфдош дўстини кўрган Маъсуда шу қадар ҳаяжонланадики, нуқул уни гапиришга қистар, синфдошлари, мактаби, қишлоғини сўрарди... Ва

қишлоқлари шундоққина ярим соатлик йўл эканини билгач, кўзларига ишонмайди... Карим уни бекатгача олиб бориб, автобусга ўтқазиб юборади... Маъсуда худди боғча боласидек, суюнганидан учиб борарди... Автобус кўзғалиши билан Маъсуда иложи бўлса, шу автобусда қайтиш режасини туза бошлади. Уйларига ойижониси бировни қўйиб кетганмикан ё кулфмикин? Шундоқ кўча томондан кўриб қайтсаям бўлди. Шуям етади унга. Шунгаям зор эди-ку. Балки ўртоқлариниям кўриб қолар. ...Ана уйлари! Вой дарвозаям очик экан. У беихтиёр бир вақтлардагидек югурганича очик турган дарвозадан кириб борди. Кирди-ю дарвозахонада турган таниш машинага кўзи тушди. Адасининг ўртоғини машинаси-ку... Маъсуда машинани айланиб ўтди-да, ҳовлининг қоқ ўртасида пайдо бўлди. Ҳовлидаги таниш сўриток, ҳа таниш сўриток тагида... Нимагадир Маъсуданинг кўзлари кўрмай қолди. Шошиб-пишиб кўзларини укалаб, яхшироқ тикилди. Адасининг ўртоғими? Ие, ойисими, ойижонисими? Чақалоқ чўмилтиришяптими? Ҳа, чақалоқ оёғини чалпиллатиб йиғлаяпти. Нимага бунақа? Маъсуда худди уят ишнинг устидан чиқиб қолгандек, ҳовлига қандоқ кирган бўлса, шундоқ отилиб чиқиб кетди.

Ҳа, Маъсуданинг шундан кейин қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. Етимхонага қайтиб бормайди... [Malik E. 2006. 113].

Дарҳақиқат, болалар қалби ҳис-туйғуларга берилувчан ва айни пайтда билимга, меҳнатга чанқоқ бўлади. Уларнинг ана шу мусаффо юракларидан жой олган ҳар бир яхши-ёмон ҳодисалар бутун ҳаёти давомида акс-садо бериб яшайди. Зотан, жамият тараққиёти ҳам айнан болалаликка муносабатдан, эътибордан бошланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Баймухаметов Айгиз. Не оставляй, мама! Повесть. Алматы: Издательство «Самға», 2019. - 128 стр.
2. Dikkens Ch. Oliver Twistning boshidan kechirganlari.—Toshkent:Yangi asr avlodi, 2016.

3. Исломова Д. Тутинган оилалар ва болалар ўзаро психологик мослашувининг эмпирик таҳлили // Психология – 2021, – № 2. – Б.81.
4. Malik Tohir. Alvado bolalik. – Toshkent: Sharq, 2009. – B. 186-365.
5. Malik Erkin. Yetim qolgan хотиралар. kitobda: Champo otli ilon. – Toshkent “Sarq”, 2006. – B.113.
6. Сафаров О., Жамилова Б. Болалик боқийлик тимсоли ёхуд “мухбирликнинг олис йўллари”. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.76.
7. [https://n.ziyouz.com/books/jahon_nasri/Xolid%20Erto'g'ul.%20Aldangan%20Ayselning%20tavbasi%20\(qissa\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/jahon_nasri/Xolid%20Erto'g'ul.%20Aldangan%20Ayselning%20tavbasi%20(qissa).pdf).

FICTIONAL DISCOURSE AND PRIVATE COMMUNICATION ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ДИСКУРС И ЛИЧНАЯ КОММУНИКАЦИЯ

NIYAZOVA Gulnorakhon Gulyamovna,
Associate professor (PhD),
Renaissance Educational University,
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: niyazovagulnorakhon@gmail.com
ORCID ID: 0000-0001-5905-2129

Abstract

This article explores the nature of fictional discourse, highlighting its communicative, cognitive, and pragmatic aspects. Unlike everyday communication, fictional discourse is not driven by direct pragmatic goals but aims to shape the reader's spiritual and emotional perception. The study examines theoretical approaches to literary text interpretation, including the perspectives of Russian and Western scholars. Particular attention is given to the interaction between the author, the reader, and the fictional world, as well as the influence of linguistic and cultural factors on text perception. The article also discusses the evolution of textual structures from classical to postmodern models, emphasizing the role of the reader in meaning making.

Keywords: *fictional discourse, literary text, communication, author-reader interaction, cognitive aspects, pragmatics, postmodernism.*

Аннотация